



Америкалик мусулмон ўқувчиларга мўлжалланган Куръони Каримни хифз этиш мусобакаси Тенси штатининг йирик шаҳри – Мемфисда жорий йилнинг 24-28 апрель кунлари ўтказилади.

Куръон ахборот агентлиги, «Pleasant View School» ахборот сайтидан иктибос олиб хабар беришича, бу мусобака Зухо, Шамс, Буруж, Нозиот, Наба, Инсон, Мурсалот, Мудассир ва Калам сураларини хифз этиш наминацияларида болалар богчаси ва мактабгача муассасаларга катновчи болакайлар ва ўрта мактабнинг биринчи-еттинчи синифларида тахсил олувчи ўқувчилар иштирокида ўтказилади.

Бундан ташқари, мазкур шаҳарда жорий йилнинг 10-14 апрель кунлари биринчидан еттинчи синфларгача тахсил олувчи ўқувчилар орасида хадис мусобакаси ўтказилади. Кайд этиш ўринлики, бу мусобакалар талабалар билан Куръони Карим ўртасида янада кўпроқ алоқа ўрнатиш ва уларда оятларни тафаккур қилиш хиссини уйғотиш, шунингдек, Расули акрам соллаллоху алайхи васаллам хадислари билан танишиш имкониятини яратиш мақсадида ўтказилади.